# БЕШАРИҚ ТУМАНИДА ПРЕСС-ТУР ВА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

Шу йилнинг 28 апрель куни вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда ҳокимлик ва бошқармаларнинг ахборот хизмати раҳбарлари учун Бешариқ туманига Пресс-тур уюштирилди.

Пресс-тур иштирокчилари дастлаб "Адиробод ғунчалари" кооперациясида бўлишиб, "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларга яратилган шарт-шароитлар, иш ўринлари билан танишдилар.

Кейинги манзилда Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси бўлган "Фарғона Ясин қурилиш моллари" МЧЖ даги цемент ишлаб чиқариш жараёнлари кўздан кечирилди.

Адиробод қишлоғида қад ростлаган янги турар жойлар, мактаб билан танишув пресс-тур иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Аҳоли, хусусан, кам таъминланган оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун қурилган уйлар, улардаги қулайликлар ҳам алоҳида эътиборда бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида туман ҳокимлигида матбуот анжумани ташкил этилди. Унда туман ҳокими ўринбосарлари, сектор раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда хизмат кўрсатиш ташкилотлари иштирок этишди.

Матбуот анжуманида туманнинг ижтимоий аҳволи оғир маҳаллаларида амалга оширилаётган ишлар, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"га киритилганлар билан ишлаш, улар бандлигини таъминлаш, дафтарлардан чиқариш мавзусида сўз борди.

Туман ҳокими Расулжон Жўраев журналист ва блогерларнинг қизиқтирган саволларига жавоб берди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,

2021-04-29 10:34:26